



БУЙРУК № 64

Нукус шаҳри

« 4 » 11 2024 йил

**Тиббиётда қўлланадиган ўлчаш воситалари, лаборатория ва диагностика
ускуналарининг метрологик текширувини такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2024-йил 30-майдаги №26/50-5-сонли топшириғи ижросини таъминлаш, шифохонада метрология хизматини янада яхшилаш, шифохонада фойдаланиладиган тиббий техникага техник хизмат кўрсатиш ва уни синовдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш асосида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ва хавфсизлигини ошириш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 07 октябрьдаги №313 сонли буйруғи ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 25 октябрьдаги №04/6404-сонли хати талаблари ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. "Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази" давлат муассасаси (кейинчалик Марказ) "Метрология тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ тиббий мақсадларда қўлланиладиган ўлчаш воситаларининг метрологик текширувини ўтказиш бўйича ваколатли ишчи орган этиб белгиланлиги ва унинг таркибидаги Қиёслаш лабораторияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг метрология хизмати этиб қайта ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги метрология хизмати тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситаларини қиёслаш, тиббиёт учун мўлжалланган синов воситаларини аттестациядан ўтказиш ва "Тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг ҳисоби ва назорати" ахборот тизимида ҳисобини юритиш вазифаларини амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг метрология хизмати вазирликнинг тиббий хизмат сифатини назорат қилиш бошқармасига тиббиёт муассасаларида тиббий мақсадларда қўлланилаётган ўлчаш ва синов воситаларининг метрологик текширувдан ўтганлиги, ёки ўтмаганлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этиб бориши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Филиалда тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синов воситаларининг ҳисобини юритиш учун филиал **метролог-инженери Жасыбаев Бекполат Хошмуратович масъул шахс этиб тайинлансин** ва у шифохонада фойдаланилаётган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синов воситаларининг ўз вақтида метрология текширувидан ўтказиш учун филиал бош шифокори билан бирга жавобгар этиб белгилансин.

3. Филиал директорининг иктисодиёт ва умумий масалалар бўйича ўринбосари Қ.Торешовга:

3.1. Ўн кун муддатда тиббиётда қўлланиладиган ўлчаш ва синов воситаларининг ҳисобини юритиш учун масъул шахс ҳақидаги маълумотларни (Ф.И.Ш, лавозими, телефон рақами) Соғлиқни сақлаш вазирлиги метрология хизматига тақдим этсин;

3.2. Ҳар чоракда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасига қадар 1-иловага мувофиқ ўлчаш ва синов воситалари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, ҳар йили 10-декабрдан 25-декабргача 2-иловага мувофиқ йиллик киёслаш режа-жадвалларни Соғлиқни сақлаш вазирлиги метрология хизматига тақдим этиб борсин;

4. Филиал бош ҳисобчиси Қ.Сейтниязовга:

4.1. 2025-йилдан бошлаб филиалда ўлчаш ва синов воситаларини метрологик текширувдан ўтказиш учун етарлича маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш ва синов воситаларининг рўйхати (Адлия вазирлигининг рўйхат рақами №2916, 22.08.2017-й.) га мувофиқ ўрнатилган тартибда метрологик текширувдан ўтказилмаган ўлчаш ва синов воситаларининг тиббиёт фаолиятида қўлланилиши тақиқланади.

6. Филиал ИТ мутахассислари (А.Султанов, Ш.Назарбаев, Е.Бийсенбаев, А.Примбетов) ва метролог-инженери Б.Жасыбаевларга:

6.1. "Тиббий асбоб-ускуна ва жихозларнинг ҳисоби ва назорати" ахборот тизимида ҳар бир тиббиёт муассасаси кесимида ўлчаш ва синов воситаларининг ҳисоби юритилишини инобатга олсин ва ушбу тизимдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги метрология хизмати ходимларига фойдаланиш ҳукуки берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Филиал барча бўлим мудирларига:

7.1. Бўлимларда тиббий мақсадларда қўлланилаётган ўлчаш ва синов воситаларининг метрологик назорати (киёслаш ва метрологик аттестациядан ўтказишни) ўз вақтида амалга оширилганлигини доимий назорат қилиб борсин ва масъул жавобгар шахс этиб белгилансин.

Ушбу буйруқ талаблари ижросини назорат қилиш бош шифокор Е.Қ.Қалмурзаевга юклатилсин.

Директор:



С.М.Бегалиев